

# АСКАР ҚУШИҚЛАРИ

**Тошкент**

**«Наврӯз» нашриёти**

Тузувчи АЗИЗ САИД  
Масъул муҳаррир

### ТИЛАК ЖЎРА

Дилшод ҚИЛИЧНИНГ «Турондод» корхонаси

Аскар қўшиқлари: (Шеърлар) / [Тузувчи Азиз Саид;  
Масъул муҳаррир Тилак Жўра]. — Т.: Наврўз, 1994. — б.

### ОНА ВАТАН АСКАРЛАРИ!

Мустақил Ўзбекистоннинг аскари бўлиш, мустақил Ватанинг сарҳадларини ҳимоя қилиш неча-неча авлодларнинг орзуси эди. Она-Ватанимизнинг қалби олов ўғлонлари! Бугун Сиз ўша муқаддас орзуларга эришдингиз.

Ўзгал еру осмон, мафтункор тоғу тошлар, дарёю саҳролар, ўрмону боғлар Сизникидир! Ортингизда Сизлар билан фахрланиб, ҳақингизга ҳар лаҳза дуо қилаётган Халқ ҳам Сизникидир. Шундай экан, энди ушбу қўшиқлар ҳам Сизники бўлсин. Она юрtnинг қайси бир бурчида бўлманг, Сизнинг қўшиқларингиз янграйверсин.

### ҚАДРЛИ МАКТАБ ўҚУВЧИЛАРИ!

Она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаётган акаларингиз ўрнини эртага Сизлар эгаллейсизлар. Бугун мактабда аскарлик алифбосининг ilk сабоғини — сафларда қадам ташлашни ўрганяпсиз. Биринчи қадамларингизни ушбу қўшиқларда куйланган мард, эрксевар аждодларингиз номи билан бошлагиз. Ватанга, халқимизга муҳаббатингизни куйлаб шундай гурсиллатиб қадам ташлангки, эпитиб дўсту биродарлар қойил қолсинлар, ота-оналарингиз: «Бизнинг эртанги ҳимоячиларимиз», дея фахрлансинлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Серқубш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон.  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

### Н а қ о р а т:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар майдонда руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

### Н а қ о р а т:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

*Абдулла ОРИПОВ*

## ХАЛҚ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исбидир, халқ оловдир, халқ ўчдир..  
Халқ қўзғалса, куч йўқдирким, тўхтатсин.  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ өтсин.  
Халқ исбни салтанатни йўқ қилди,  
Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди..  
Халқ истаги: овод бўлсин бу ўлка,  
Кетсин унинг бошидаги кўланка,  
Бир қўзғалур, бир кўширур, бир қайнар,  
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар,  
Йўқликни-да, очликни-да йўқ өтар,  
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ өтар..  
Бутун кучни халқ ичидан олайлик,  
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!

ЧУЛПОН

## МУСТАҚИЛЛИК ҚҲШИҒИ

Тонлар отар,  
Тонлар отар,  
Шафаклари қизил, ол-  
Она юртим, барно юртим,  
Келди сенга истиқлол.

### На қорат:

Бир, сарҳадинг Сирга туташ,  
Бири Аму дарёга.  
Ўзбекистон, Ўзбекистон,  
Дунёга чиқ, дунёга!

Йиллар оша,  
Эллар оша  
Келмаганлар келсинлар.  
Эгилганлар турсин қайта,  
Йисилганлар кулсинлар...

### На қорат:

Бир сарҳадинг Сирга туташ,  
Бири Аму дарёга  
Ўзбекистон, Ўзбекистон,  
Дунёга чиқ, дунёга!

Аҳил бўлсак,  
Оқил бўлсак  
Йўғимиз ҳам бор бўлғай,  
Е Ватан деб меҳнат қилсак,  
Зафар бизга ёр бўлғай..

### На қорат:

*Жамол ҚАМОЛ*

## ЎЗБЕКИСТОН МУШТАРАК

**Тонг кетидан тонг отар, нурафшон кун муборак,  
Йиллар ўтар, онг ошар, эзгу замондан дарак.  
Шаҳдам қадамлар ташланг, бўлингиз оташюрак,  
Минг томирли элатмиз, Ўзбекистон муштарак.**

**Табаррук аждодлардан қонинг, эоту-зурёдинг,  
Оламга донг таратди қутлуғ қадам авлодинг.  
Фалокатлар ёғилса, балогардон саботинг,  
Довжюрак фарзандларинг сенинг учқур қанотинг.**

**Тонг кетидан тонг отар, нурафшон кун муборак,  
Йиллар ўтар, онг ошар, эзгу замондан дарак.  
Шаҳдам қадамлар ташланг, бўлингиз оташюрак,  
Минг томирли элатмиз, Ўзбекистон муштарак.**

**Тенги йўқ сахий элсан, юрагинг кенг дастурхон,  
Минг бурдага бўлурсен, топсанг агар битта нон.  
Дилингда аримасин ишончу, имон, виждон,  
Илоҳим, четлаб ўтсин, сени бўрону-тўфон!**

**Тонг кетидан тонг отар, нурафшон кун муборак,  
Йиллар ўтар, онг ошар, эзгу замондан дарак.  
Шаҳдам қадамлар ташланг, бўлингиз оташюрак,  
Минг томирли элатмиз, Ўзбекистон муштарак.**

**Давру-давронлар оша толмай келади карвон,  
Манзилимиз кўп йироқ, кутар оғир имтиҳон.  
Ишонгил, она юртим, биз сенга содиқ посбон,  
Зарур бўлиб қолган он, жонимиз сенга қурбон.**

**Тонг кетидан тонг отар, нурафшон кун муборак,  
Йиллар ўтар, онг ошар, эзгу замондан дарак.  
Шаҳдам қадамлар ташланг, бўлингиз оташюрак,  
Минг томирли элатмиз, Ўзбекистон муштарак.**

*Йўлдош МУҚИМ ОТАШ*

## АСКАРЛАР ҚЎШИҒИ

Жўрликда:

Хур Ватанга ўғлонмиз,  
Ҳеч бузилмас кўрганмиз.  
Юрти асраймиз хавфдан,  
Сен сафдаю мен сафда.

### Нақорати

Яккахон:

Бир! Икки! Илдам бўл,  
Темурийсан, бардам бўл.

Жўрликда:

Бизлар доим илдаммиз  
Довюракмиз, бардаммиз.

Яккахон:

Дўстларингга қалқон бўл,  
Душманингга бўрон бўл.

Жўрликда:

Дўстимиага қалқонмиз,  
Душманларга бўронмиз.

Жўрликда:

Дарё, тоғлар бизники,  
Сахро, боғлар бизники.  
Шу гулистон бизники,  
Ўзбекистон бизники.

Нақорат такрорланади.

Анвар ОБИДЖОН

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Хур Ўзбекистон — тарихнинг шои,  
Балқиди унинг янги жаҳони.  
Порлайди кўкда эрkning қуёши,  
Ярақлаб турар тиниқ осмони.

### Н а қ о р а т :

Сафимиз метин,  
Бир тану жонмиз,  
Хатар йўлида  
Бизлар қўрғонмиз.  
Юртга муносиб  
Ботир ўғлонмиз,  
Турон, Туркистон,  
Ўзбекистонмиз!

Сендан куч олар юракларимиз,  
Қуш бўлиб учар тилакларимиз.  
Сен бизнинг баҳор, сен бизнинг қуёш,  
Куч олар сендан билаларимиз.

### Н а қ о р а т :

Сафимиз метин,  
Бир тану жонмиз,  
Хатар йўлида  
Бизлар қўрғонмиз.  
Юртга муносиб  
Ботир ўғлонмиз,  
Турон, Туркистон,  
Ўзбекистонмиз!

*Хуришд ДАВРОН*

## ОДИМЛАЙМИЗ МАРДОНА

Ўзбеклар қўшинимиз,  
Маггур жўр қўшиғимиз.  
Сенга бўлсин она юрт  
Юрак тўла чўгимиз.

### Н а қ о р а т:

Одимлаймиз мардона,  
Мардона, мардона.  
Қудрат, жасорат берди,  
Замона, замона!  
Довругимиз таралгай,  
Ҳарёна, ҳарёна!

Ова юрт Ўзбекистон,  
Сенга кўксимиз қалқон.  
Меҳру садоқат билан,  
Бахш этгаймиз сенга шон.

### Н а қ о р а т:

Одимлаймиз мардона,  
Мардона, мардона.  
Қудрат, жасорат берди,  
Замона, замона!  
Довругимиз таралгай,  
Ҳарёна, ҳарёна!

*Зоҳиджон ОБИДОВ*

## ОЗОД ВАТАН МАРШИ

Ўтди қанча замонлар,  
Бағрингдан оқиб қонлар.  
Озод Ватан бўлдинг сен,  
Муборак бу давронлар!  
Шу кунларни кўрай деб,  
Шаҳид кетди ўғлонлар!

Н а қ о р а т:

Бағрингда кулсин қуёш!  
Кипригингга олма ёш!  
Сафларимиз мустаҳкам,  
Энди ёвга эгма бош!

Сен жаннатсан азалдан,  
Чаманларинг сўлмасин,  
Фарзандларинг ҳеч қачон,  
Ҳеч кимга қул бўлмасин.  
Ожиз қолсанг жангларда,  
Темур руҳи қўлласин.

Н а қ о р а т:

Бағрингда кулсин қуёш!  
Кипригингга олма ёш!  
Сафларимиз мустаҳкам,  
Энди ёвга эгма бош!

Довруғ тарат дунёга,  
Зафарлар қучмоқ чоғинг.  
Қалбингдаги диёнат —  
Суянган метин тоғинг.  
Ер юзида то абад,  
Ҳилпирасин байроғинг!

Н а қ о р а т:

Бағрингда кулсин қуёш!  
Кипригингга олма ёш!  
Сафларимиз мустаҳкам,  
Энди ёвга эгма бош!

*Мирнўлат МИРЗО*

## МИЛЛИЙ ҲРДУ ҚУШИҒИ

Ўзбекистон юртимиз,  
Шарафимиз, бурдимиз,  
Сақлар энди бу юртни  
Миллий қўшин — ўрдумиз.

Ўзбекистон — онамиз,  
Ўзбекистон — отамиз,  
Уни жондай қўриқлар  
Миллий қўшин — боламиз.

### Н а қ о р а т:

Ўзбек ўғлон ўрдумиз,  
Кўнай, чўглан, ўрдумиз!  
Сен кучайсанг, кучайгай  
Бу мустақил юртимиз!

Ўғузхоннинг наслимиз!  
Чингизхоннинг наслимиз!  
Темурхоннинг наслимиз!  
Бобурхоннинг наслимиз!

Ўрдун кўрган давлат,  
Давлатни қурган миллат.  
Сақла юртни иймондай —  
Юрт ичра яшар уммат!

### Н а қ о р а т:

Ўзбек ўғлон ўрдумиз,  
Кўнай, чўглан, ўрдумиз!  
Сен кучайсанг, кучайгай  
Бу мустақил юртимиз!

*Тоҳир ҚАҲҲОР,*

## АВЛОДЛАР СУРУРИ

Ўғузхону Амир Темур  
Авлодимиз, зурёдимиз.  
Сарбадорлар саботидек  
Енгилмасдир саботимиз.

Нақорат:

Ватан, Ватан, жон Ватан,  
Сенга фидо жон ва тан!  
Ҳар биттамыз Широқмиз,  
Ватан учун яроқмиз!

Жалолиддин, Таробийдек  
Душманни даф атамиз.  
Ўтрор, Гурганж деворидек  
Метин арур сафимиз.

Нақорат.

Юракларда Тўмариснинг  
Эътиқоди, имони ёр.  
Билакларда Алпомишнинг,  
Қунтуғмишнинг қудрати бор.

Нақорат.

*Хуришд ДАВРОН*

## ОЗОДЛИК ҚОМУСИ

Ўзбекистон, шонли жон сўзим,  
Қўйнингда кув — сочлари узун.  
Ўзига бек, ўзинг буюксан,  
Миллат турин кўтарган ўзинг.

### На қ о р а т:

Жаҳон узра порлар байроғинг,  
Эрк қомуси ишонган тоғинг.

Ўзбекистон, оллоҳ суйган юрт,  
Огоҳликдан ортик кўйган юрт.  
Дунё буюкун қўлингви тутар,  
Сев дунёнинг қўлларидан тут.

### На қ о р а т:

Ўзбекистон, ўзлик макони,  
Сўзлик макон, кўзлик макони.  
Сев Фарбнингда, буюк Шарқнингда  
Тузлик, рўзлик, юзлик макони.

### На қ о р а т:

Қомат тиклар тоғлар — гуруринг,  
Байроғингда уйғонур юлдуз.  
Топталмагай энди ҳеч еринг,  
Кафолатдир Бош қонун қомус.

### На қ о р а т:

Ўзбекистон, тонглар йўлигдир,  
Осмов қадар тиклайвер қомат.  
Икки дарбег икки қўлингдир.  
Дуо учун очилган абад.

*Тўра МИРЗО*

## ШЕРЮРАКЛАР

Эй туркнинг шерюрак ўғлони — шони,  
Она юрт посбони, эй бут иймони,  
Қонингда жўш урсин сарбадор қони,  
Олға бос, довюрак Ватан ўғлони.

Юракда эътиқод, билакда куч бор,  
Муқаддас заминнинг руҳи сенга ёр,  
Иймони бут элни енголмас агёр,  
Олға бос, шерюрак Ватан ўғлони.

Эрк, Ватан, истиқлол — муштаракдурур,  
Ўзбекистон эрур кўксингда гурур,  
То абад қўлласин аждодиң Темур,  
Олға бос, довюрак Ватан ўғлони!

Эй туркнинг шерюрак ўғлони — шони,  
Она юрт посбони, эй бут иймони,  
Қонингда жўш урсин сарбадор қони,  
Олға бос, олға бос, Ватан ўғлони!

*Илҳом ҒАНИЕВ*

## **ЧЕГАРАЧИ АСКАР ҚЎШИҒИ**

**Н а қ о р а т:**

Кун ботар,  
Тун чўқар,  
Тонг отар.  
Халқ, ўғлонинг сергак эрур, йўқ хатар!

Ўзбекистон сарҳади  
Бизнинг қорачиғимиз.  
Асраймиз ҳар офатдан,  
Қўлда олмос тиғимиз.

**Н а қ о р а т:**

Кун ботар,  
Тун чўқар,  
Тонг отар.  
Халқ, ўғлонинг сергак эрур, йўқ хатар!

Йўл берамиз, садоқатли  
Келсин дўст ҳам, қўшни ҳам.  
Ўтказмаймиз шум ният  
Бирла келган қўшни ҳам.

**Н а қ о р а т:**

Кун ботар,  
Тун чўқар,  
Тонг отар.  
Халқ, ўғлонинг сергак эрур, йўқ хатар!

**'Азия САИД**

## ТАНКЧИ АСКАР ҚУШИҒИ

Биз Батаи қонловлари,  
Ҳам совут, қалқонлари.  
Йўл юрсак писанд эмас  
Тоғлару ўнқонлари.

Н а қ о р а т:

Дилда олов ёнур лов-лов, танкчимиз!  
Кўзда олов, қўлда ялов, танкчимиз!

Юрса ерни титратар,  
Темир отнинг занжири.  
Халқим, бунда жам бўлган,  
Йигитларнинг абжири.

Н а қ о р а т:

Дилда олов ёнур лов-лов, танкчимиз!  
Кўзда олов, қўлда ялов, танкчимиз!

Темирдан қўргонимиз,  
Жўшар ёшлик қонимиз.  
Юрт тинчлини асрашга  
Етади имконимиз.

Н а қ о р а т:

Дилда олов ёнур лов-лов, танкчимиз!  
Кўзда олов, қўлда ялов, танкчимиз!

*Азиз САИД*

## ДЕСАНТЧИ АСКАР ҚЎШИҒИ

Ватан ишқи қалбимизни ёндирар,  
Ташна бўлсак, ташпалликни қондирар.  
Ватан ишқи эркимизга қўл чўзган  
Ҳар покасни илтидан тондирар.

### Н а қ о р а т:

Осмонимиз мададкор,  
Билакда куч, ғайрат бор.  
Она Ўзбекистоннинг  
Амрига бизлар тайёр.

Қанот ёзсак булутдан ҳам сакраймиз,  
Забра урсак тошни бўлиб ташлаймиз.  
Майдон қурсак, Ватан ишқи бизга ёр,  
Шарқ кураши — мард курашин бошлаймиз.

### Н а қ о р а т:

Осмонимиз мададкор,  
Билакда куч, ғайрат бор.  
Она Ўзбекистоннинг  
Амрига бизлар тайёр.

*Азиз САИД*

## УЧУВЧИ АСКАР ҚУШИҒИ

Биз Ватан лочинлари,  
Кўкка парвоз қиламиз.  
Шум виятли ҳар қандай  
Душман бағрин тиламиз.

Н а қ о р а т:

Қалбда ер ишқи,  
Кўкда ой қуёш,  
Бахш этар ҳам дам  
Юракка бардош.

Майли ёғсин, ёмғир, қор,  
Майли чақсин чақмоқлар.  
Ширимиз ҳеч қачон  
Ёгмасин олов ўқлар.

Н а қ о р а т:

Қалбда ер ишқи,  
Кўкда ой — қуёш,  
Бахш этар ҳам дам  
Юракка бардош.

Азиз САИД

## САПЕРЛАР ҚҰШИҒИ

Жим, жим, жим — жим — жим,  
Жим, жим, сым — сым — сым.  
Жим, жим.

Заминга ажални әкаётир ким,  
Йўлимиз бирма-бир боғлаётир ким?  
Изма-из борамиз. тупроқни ёрамиз,  
Ажалнинг ҳалқаси фақат битта сым.

### Накорат:

Ер тағида қимирлаган  
Илов бизга билинар.  
Тузоқ қўйса ким, ўзи  
Шу тузоққа илинар.

Жим, жим, жим — жим — жим,  
Жим, жим, сым — сым — сым.  
Жим, жим.

Олга бос, әй сафдош, тинчликка қадар,  
Пойингга тиг эмас, гул чечак ботар.  
Юракка кўмилган тошларни олдик,  
Қалблардан қалбларга йўллар бехатар.

### Накорат:

Ер тағида қимирлаган  
Илов бизга билинар.  
Тузоқ қўйса ким, ўзи  
Шу тузоққа илинар.

Азиз САИД

## **ТҮНЧИ АСКАР ҚҰШИҒИ**

Гўрўғлидан мерослир,  
Тўнхонаю замбарак  
Тайёр турар Ватаннинг  
Ўғлонлари шерюрак.

### **Н а қ о р а т:**

Халқим, ўтган ҳар кунинг  
Байрамга пайванд бўлсин.  
Биз отган мушаклардан  
Осмонинг чамаи бўлсин!

Топ, деганда ёғийни,  
Кўзловчидир биттамиз.  
От, деганда дамба-дам,  
Ўқловчидир биттамиз.

### **Н а қ о р а т:**

Халқим, ўтган ҳар кунинг  
Байрамга пайванд бўлсин.  
Биз отган мушаклардан  
Осмонинг чамаи бўлсин!

Тўнчи ота-боболар  
Деган, «уруш худоси».  
Ёвни таққа тўхтатган,  
Гумбирлаган садоси.

### **Н а қ о р а т:**

Халқим, ўтган ҳар кунинг  
Байрамга пайванд бўлсин.  
Биз отган мушаклардан  
Осмонинг чамаи бўлсин!

**Азиз САИД**

## КАТТА ЛЕЙТЕНАНТ У. АЗИМОВНИНГ АСКАРЛАРИГА САБОҒИ

(Конспект).

Бир, икки, уч!  
Бир, икки...  
Тўхтанг!

Дарсни бошлаймиз.  
Кеча ўтган эдик югуриб жанг қилишми,  
Аmmo мудом «ура!» деб югура олмайми.  
Аҳвол танг бўлганда  
Эмаклаш ҳам шарт.

Эмаклаш ҳақида бугунги сабоқ:  
Ғанимнинг ғазабдан  
титраган пулемёти,  
майсаларни ўроқдай  
қийрата кетса,  
мардонавор керилган кўкрагимизни  
олис ғалабанинг ширин ҳаволаридан  
тўлдириб-тўлдириб  
нафас олгани,  
ерга йиқиламиз,  
эмаклай бошлаймиз...  
Ахир, ғалабани она-Ватанга  
тириклар келтиради,  
ўликлар эмас.

Тирсакни аяманг,  
тиззани аяманг,  
кўйимни аяманг!  
Эмакланг!  
Олга!

Хўш, саволлар борми?  
Сўз сизга, сержант.  
Нега мен сиз билан эмакламадим?  
Менга эмаклашдан кўп сабоқ беришган,  
Аmmo уддасидан чиқа олмадим...

Хуллас, ихтиёрингиз..

Маслаҳатим шу:

Ўзингизга раҳмингиз келсин!

Бошингизга аяманг!

Юракин аяманг!

Ўмрин аяманг!

Ғалабани ўликлар эмас,

тириклар келтиради

она-Ватанга...

Усмон АЗИМОВ

#### 4-ВЗВОД

Ухшатмаса — учратмас...

Халқнинг бу содда  
Нақли тўқилганми бизга атайлаб.  
Йиғилибмиз, қаранг, битта веводда  
Гала хаёлпараст, гала нозиктаъб.

Тавбеҳ берардингиз: «Бўлманг парижон,  
Тўхтатиб бўлмайди ёвни шеър билан.  
Душманга ўзингиз бўласиз нишон  
Яксон қилмасангиз уни ер билан!»

Маълум эди бизга бу жўн ҳақиқат,  
Аммо ишонганмиз астойдил бизлар  
Ерда борлигига меҳр-оқибат,  
Ерда борлигига устивор ҳислар.

Билардик, йўлдошлар айланган осмон  
Макондир хокисор юлдузларга ҳам.  
Тургандек ҳаёт ва ўлим ёнма-ён  
Тўшларнинг пойида уйғонар кўклам.

Ҳарбий машқ майдони эсингиздадир,  
Доим кейин чопар яхши от, дерлар.  
Ҳужумга ташланган қанчалар дадил  
Ўзингиз «лапашанг» атаган эрлар.

Жам бўлганда у кун тепада қисм,  
Жангнинг натижасин эшитмоқ учун  
Бир-бир тизилишди улар сафга жим,  
Овққа тўшлашиб энг сўнгги кучин.

Елкада терларнинг оқарган шўри,  
Бир илинж бор эди ҳорғин ташларда:  
Биз эдик ўша кун рота ғурури,  
Биз томонда катта ғалаба!

Хуш кўрар ҳарбийлар, ҳа, одилликни,  
Сиз — ўглин кечирган отадай оғир.  
Гуноҳ бўлар эди бу фидоликни  
Беқадр, бешйлов қолдирмоқ ахир.

Билмам, овозингиз нега титради,  
Қолмадимиз, дейман, сизда ихтиёр:  
— Бўлса агар кимнинг қандай яради,  
Ҳамма... ҳаммасини... қиламан. бекор!

*Муҳаммад РАҲМОН*

## ОНА ДУОСИ

Сафар қилсанг уйдан кўнглинг тўқ қилгин,  
Лекин ғийбат бор жойларда йўқ бўлгин,  
Шоир бўлсанг ёмонликка ўқ бўлгин,  
Дардлиларнинг дилларини ёрит, болам.

У ёқлик ҳам ўзимиздай хилма-хил,  
Яхшиликда ҳамма қўшни Нормас бил,  
Бир дўстни деб бир дўстингни сотмагил,  
Дўст орттиру дўстларингни тевг тут, болам.

Ифвогарнинг кулоқлари жуда узун,  
Хиёнат бу — ўйламасдан айтган сўзинг,  
Ўйларингни айтар кўзгу икки кўзинг,  
Бад ўйларни бошгипангдан итқит, болам.

Довғи чиқмас бир якка от — ёлғизлик,  
Ўз жуфтидан жудо қавот — ёлғизлик  
Айтиб бўлмас унсиз фарёд — ёлғизлик.  
Ёлғизланма, яхшиларни дўст тут, болам.

Элга қалбин берган қалбнинг бунёдисан,  
Сен заҳматга эгиз халқнинг зурёдисан,  
Пастлик қилма, Алломишнинг авлодисан,  
Муҳтожларнинг ғамларини арит, болам.

Йўлинг очиқ бўлар, бўлсанг сен очиқ қўл,  
Омин энди, палапоним, сенга оқ йўл,  
Бир тилагим: қайда бўлсанг, саломат бўл,  
Ва уйдаги эркалигинг унут, болам.

*Йўлдош ЭШБЕК*

## АСКАР МАКТУБИ

Сиз сувратдан боқасиз ғамгин,  
Наҳот соғинч қийнар, онажон?  
Арқоқ тортмиш манглайга ажив,  
Гўё бўм-бўш туюлар жаҳон.  
Соғинчданми ё бу, онажон?

Юрагингиз сизмай кўкракка,  
Тунларингиз ўтади бедор.  
Аскар ахир менмидим якка —  
Онасини қилган интизор?  
Тунлар киприк қоқмайсиз бедор...

Ешлар ўтса кўчадан куйлаб,  
Дейсиз: «Балким ўғлим овози?!»  
Ўзингизча исминни сўйлаб,  
Ўғлингиздан бўларсиз рози,  
Дилда янграб орзулар сози.

Олисларга бошлади иқбол,  
Чегарада соқчиман, мана.  
Йигит бурчим ўтаб мен ҳалол,  
Оқ сутингиз оқларман, она!  
Қўриқларман юртни мардона!

*Жонибек СУВҲОН*

## ХАЛҚ ОҶАНГИДА

Қаро туннинг бағрида  
Еруғ хаёл қандай хуш:  
Бу дунёда бир қиз бор —  
Ёстиғининг ярми бўш.

Қаро сочи — жамалақ,  
Қаро зулфи қайрилган.  
Унинг гулдай хаёли  
Шабнамларга чайилган.

Сени суйиб хаёлда  
Кўча кезар қийналиб.  
Суратларга тушар у  
Сенинг учун жилмайиб.

Ёстиқлар ҳам кўп экан —  
Бахмалдан қуроғи бор:  
Ўзга соч бўёғидан  
Қолган ҳиди, доғи бор.

Одамлар ҳам кўп экан —  
Тун зулмати чўккан пайт  
Ёстиғининг ярмини  
Банд этади хиёнат.

Бир момо бор қайдадир,  
Ёстиқ унга дил ранжи —  
Очилмаган тунлардан  
Мерос қолган паранжи...

Лекин бағрим ўксима,  
Сев куйлайвер хушнаво.  
Бу дунёда бир қиз бор  
Хаёллари мусаффо.

Пахта эмас, пар эмас,  
Меҳрдандир болиши.  
Сен кечалар тинглагин  
Унинг нафас олишин.

Бўш ўрнингда пок ёстик  
Гўё келгин кани, деб  
Чорлар сафарга тайёр  
Кеманинг елканидек.

Мана, бўш уй, бўш стол,  
Ошноқ қоғоз, мен якка.  
Сен шубҳангни кўй, ақлим,  
Изв бергин юракка.

Юрак, товушга айлан,  
Юрак, ишон, чорла, хўш, —  
Бу дунёда бир қиз бор  
Ёстигининг ярми бўш.

*Мирзо КЕНЖАБЕК*

## СОҶЧИ ЙИГИТ ХИРГОЙИСИ

Ҳазил

Тўп-тўп ўтаётган хушқомат қизлар,  
Ажин тушмасин-эй юзларингизга.  
Омад кулиб бир кун менга ўхшаган  
Бир довдир учрасин ўзларингизга.

Ўша «довдир» каби алқаб яшайин  
Ойдин қўшиқларда ҳаминча сизни.  
Фақат бул эшиқдан ўтар бўлсангиз  
Кўрсатиб ўтингиз ҳужжатингизни.

Яхё ТОҒА

## ҲАРБИЙЧА ҲАЗИЛ

Ешлигини ҳарбийга бошлаб келган аскарлар,  
Яхши кўрган қизини ташлаб келган аскарлар.

Саҳарда бет ювмасдан этигини тозалаб,  
Нонуштадан олдинроқ ишлаб келган аскарлар.

Ун чақиримга югуриб, ҳовур чиқиб бошидан,  
Телпагини оғзида тишлаб келган аскарлар.

Чивин чақса дўстини, камарида мажақлаб,  
Милтиғида курагин қашлаб келган аскарлар.

Кўрпасининг чангини қиличвоздек савалаб,  
Боксчидек ёстигин муштлаб келган аскарлар.

Бошланганда машғулот қайсарланиб, тумтайиб,  
Ошхонага гойчоқдек кишнаб келган аскарлар.

Қоровулда турганда, мушук кирса омборга,  
Қўлга тушди жосус деб ушлаб келган аскарлар.

Фарғонада наврўзлаб, ёзни енгиб Термизда,  
Боғда кузлаб, тоғларда қишлаб келган аскарлар.

Хизматининг бошида кўникмасдан қийналиб,  
Охирида кўнглини хушлаб келган аскарлар.

*Анвар ОБИДЖОН*

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси. <i>Абдулла Орипов</i>	3
Халқ. <i>Чўлпон.</i>	4
Мустақиллик қўшиғи. <i>Жамол Камол.</i>	5
Ўзбекистон муштарақ. <i>Йўлдош Муқим Оташ.</i>	6
Аскарлар қўшиғи. <i>Анвар Обиджон.</i>	7
Ўзбекистоним. <i>Хуршид Даврон.</i>	8
Одимлаймиз мардона. <i>Зоҳиджон Обидов.</i>	9
Озод Ватан марши. <i>Миршўлат Мирзо.</i>	10
Миллий ўрду қўшиғи <i>Тоҳир Қаздор</i>	11
Авлодлар сурури. <i>Хуршид Даврон</i>	12
Озодлик қомуси <i>Тўра Мирзо</i>	13
Шерхўрақлар. <i>Илҳом Ғаниев.</i>	14
Чегарачи аскар қўшиғи. <i>Азиз Саид.</i>	15
Танкичи аскар қўшиғи. <i>Азиз Саид.</i>	16
Десантчи аскар қўшиғи <i>Азиз Саид.</i>	17
Учувчи аскар қўшиғи. <i>Азиз Саид.</i>	18
Сапёрлар қўшиғи. <i>Азиз Саид.</i>	19
Тўпчи аскар қўшиғи. <i>Азиз Саид.</i>	20
Катта лейтенант <i>У. Азимов</i> нинг аскарларига сабоғи. <i>Усмон Азимов.</i>	21
4-яъвод. <i>Муҳаммад Раҳмон.</i>	23
Она дуоסי. <i>Йўлдош Эшбек.</i>	25
Аскар мантуби. <i>Жонибек Субҳон.</i>	26
Халқ оҳангида. <i>Мирзо Кенжабек.</i>	27
Соқчи йигит хиргойиси. <i>Яҳё Тоға.</i>	29
Ҳарбийча ҳазил. <i>Анвар Обиджон.</i>	30

Адабий бадиий нашр

## АСКАР ҚУШИҚЛАРИ,

Тупловчи Аели САИД  
Масъул муҳаррир Тилас ЖУРА  
Муҳаррир Нортўхта ҚИЛИЧ  
Мусаввир Нодир САЛОМ  
Бадиий муҳаррир Ғофир ҚУРБОН  
Техник муҳаррир Татъана СМирнова  
Мусаҳҳих Зарифа МАННОПОВА

Босмаконага берилди 29.III.94. Босишга рухсат этилди 31.III.94. Бичими 84x108<sup>1/2</sup> мм. Юқори босма. Мактаб гарнитураси. Шартли босма тобоғи 1,88. Нашр табоғи 0,84. Шартнома № Буюртма № 415. Ҳамаи нусха 100.000. Баҳоси шартнома асосида.

Дилшод ҚИЛИЧНИНГ «Турондо» норхонаси. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.

«Наврўз» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муҳоммадов кўчаси, 1 уй.